

Ўзбекистон Республикаси  
Фаргона вилояти  
Кукон шаҳар

Кукон шаҳар, Шалдирамоқ кучаси  
4/29, Тел: (8373)542-70-81  
х/р 20208000904677770001  
«Алоқабанк» Кукон бўлими, МФО  
01092,  
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

**Elite Invest**



Ўзбекистон Республикаси  
Фаргона вилояти  
Қоқон шаҳар

Қоқон шаҳар, Шалдирамоқ кўчаси  
4/29, Тел: (8373)542-70-81  
х/р 20208000904677770001  
«Алоқабанк» Қоқон бўлими, МФО  
01092,  
СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

«18» март 2019 й.

№ 19/03 В

### ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Кукон суперфосфат заводи» А.Ж.рахбарятига.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги МЧЖ «ELITE INVEST RENOME AUDIT» АТ аудиторлик ташкилоти (Кукон шаҳар, Шалдирамоқ кучаси 4/29, тел: 542-70-81, х/р 20208000904677770001 Кукон Алоқа банк, МФО 01092, СТИР 206948598, ХХТУТ 84400

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳуқуқи билан 30.06.2009 йилда берилган № 00699-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 31.01.2008 йилда № 368 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) АУДИТОРИ Ашурбаев Б томонидан (Аудитор малака сертификати № 05214 28.06.2014 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект «Кукон суперфосфат заводи» А.Ж. томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг «Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, шаклларида иборат 2018 йил 01 январидан- 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

#### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Мен «Кукон суперфосфат заводи» А.Ж.томониданилова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Менаудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

#### Ижобий фикр

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект «Кукон суперфосфат заводи» А.Ж.нинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги  
«ELITE INVEST RENOME AUDIT» АТ  
Аудиторлик ташкилоти

Б.Ашурбаев

Б.Ашурбаев